

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТГИЧИДА САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

Шаропов Ойбек Олимович

*Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий
ривожлантириши ва маънавий-марифий масалалар буйича ўринбосари.*

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти иқтисодий кўрсаткичида саноат зоналари фаолиятининг ўрни ва амалга оширилаётган устувор вазифалар тўғрисида ёритиб берилган. Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс иқтисодий ривожлантириши орқали аҳоли бандлиги ва даромадлилигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириши масаласига стратегик йўналиши сифатида эътибор қаратилиб, сўнги йилларда изчил ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Калит сўзлар: саноат зонлари, бандлик, ишсизлик, иш ўринлари, гектар, ўз-ўзини банд қилиш, таҳлил, лот

Ҳурматли Президентимизнинг 2023 йил 24-25 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифлари давомида ҳам вилоятнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси йилда **40 трлн сўмга** етказиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, барча туман(шаҳар)лардаги кичик саноат зоналари фаолиятни Қавали кичик саноати намунасида асосида ташкил этиш топшириғи берилди.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи “**Кичик саноат зоналар Ягона дирекцияси**” ҳар бир туманларда вакиллари билан фаолият олиб бормоқда.

Вилоятдаги саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш лозим.

I. Вилоятда жами **306 гектар** ер майдонларида **59 та** саноат зоналари жумладан, **2 та** махсус иқтисодий зона (ЭИЗ), **42 та** кичик саноат зона ва **15 та** ёшлар саноат зоналари ташкил этилган.

Мазкур саноат зоналар тасдиқланган бош режаларига кўра, **1 123 та** лотларга бўлинган ва улардан **740 тасида** тадбиркорлик лойиҳалари жойлаштирилган.

II. Олдимизда турган муҳим вазифалардан биттаси - бу саноат зоналаридаги бўш лотларга ташаббускор аниқлаш ва лойиҳа жойлаштиришдир.

Мухтарам Юртбошимиз томонидан ҳам ўтган йиғилишларида айнан шу масалага алоҳида тўхталиб ўтгандилар.

Бугунги кунда, кичик ва ёшлар саноат зоналарининг **33,2 гектар** ер майдонида **327 та бўш турган лотлар** мавжуд.

Шундан, **3,9 гектар** майдондаги **58 та** лотлар туман ҳокимлари томонидан тўғридан-тўғри тадбиркорларга ажратиб берилганлиги сабабли саноат зонаси

иштирокчиси мақомисиз қурилиш ишлари бажарилган. **Натижада ҳозирда савдога чиқариш имконияти чекланиб қолмоқда.**

Бугунги кунда барча лотлар тўлиқ аукцион савдоларига чиқарилган. Электрон савдоларда **29,3 гектарли 269 та** лотлар турибди.

Маълумот учун: Қарши ш.да 40 та (4,6 га), Кўкдалада 51 та (9,8 га), Қарши т.да 29 та (2,8 га), Нишонда 24 та (1,8 га), Ғузорда 26 та (1,8 га), Деҳқонободда 23 та (2,0 га), Муборақда 17 та (0,9 га), Чироқчида 13 та (0,5 га), Қамашида 11 та (0,7 га), Шаҳрисабз т-нда 11 та (2,8 га), Миришкорда 9 та (0,5 га), Касбида 8 та (0,5 га), Китобда 6 та (0,4 га) ва Косонда 1 та (0,1 га).

Ушбу лотларга табиркорларни жалб қилиш ишларни ташкил этиш лозим бўлади.

Бўш лотларга ташаббускорлар топиб жойлаштирилса **50 млн долларлик 250 дан** ортик янги лойиҳалар шакллантирилган ва **10 мингдан** зиёд иш ўрни яратилган бўлар эди [1]

III. 2023 йил 1 декабрь ҳолатига саноат зоналарда қиймати **25,8 млн долларлик 278 та** лойиҳалар шакллантирилиб, ишга тушириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг ишга тушиши натижасида **2 749 та** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Шундан, тасдиқланган дастурга кўра, **2023 йил якунига қадар** қиймати **5 млн долларлик 52 та** лойиҳаларни ишга тушириш ва **330 та** янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

IV. Саноат зоналарда қиймати **347 млрд сўмлик 154 та** лойиҳалар ишга туширилган ва **1 892 та** иш ўринлари яратилган.

Бирок, бугунги кунда қиймати **19,4 млрд сўмлик** ишга тушган **14 та** лойиҳалар турли сабаблар туфайли ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатган. Натижада **120 та** иш ўринлари йўқотилган [7]

Вазирлар Маҳкамасининг (09.03.2020й) **134-сон** қарор Низомига асосан саноат зоналарига;

-муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаган ҳолда, замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий этиш асосида импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган.

Бирок бугунги кунда аксарият саноат зоналарида фаолият юритиб келаётган тадбиркорлар томонидан **жуда оддий** (шлакаблок, брусчатка, профнастиль, нон, попкорн, миллий ширинлик и/ч, тузни қаддоқлаш в.х) лойиҳалар жойлаштирилганини кўришимиз мумкин.

Ушбу саноат зоналарининг инфратузилма билан таъмин-ланиши учун катта маблағлар ажратилиб, фаолияти йўлга қўйилган бир вақтда бунақанги **жўн ва оддий** лойиҳалар билан ер майдонларни банд қилиш қанчалик тўғри бўлади[2]

V. Махсус кичик саноат зоналар ташкил этиш бўйича.

а) Муҳтарам Юртбошимизнинг (10.01.2023й) **ПФ-2-сон** Фармонларига асосан Косон туманида “Тўқимачиликка ихтисослашган кичик саноат зонаси” ташкил этилиши белгиланган.

Шунга кўра, тегишли қарорга асосан “**Дўстлик**” МФЙ ҳудудидаги **6,5 гектар** ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этилган.

б) Президентимизнинг 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон Фармонларига асосан **Китоб** ва **Дехқонобод** туманларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган **кичик саноат зоналари** ташкил этилган.

Фармонга асосан, қурилиш саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этишга “**Ўзсаноатқурилишбанк**” АТБ масъул этиб белгиланган.

с) Президентимизнинг 2021 йил 06 июндаги **ПҚ-5155-сон** қарорларига асосан Қарши шаҳар ва Қарши туманларида **мебельчилик саноат зоналари** ташкил этилган.

Саноат зоналарининг ер майдонлари лотларга бўлинган ҳолда аукцион орқали **15 та** тадбиркорларга сотилган.

VI. ПҚ-465-сон қарорга асосан вилоятдаги саноат зоналарининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун вилоят “**Тадбиркорлик инфратузилма-сини ривожлантириш жамғармаси**” ҳисобидан **22,4 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

Бугунгача Жамғармадан ажратилган **12,3 млрд сўм** маблағ доирасида **13,8 км** ичимлик ва оқова сув тамоқлари, **4,5 км** масофага табиий газ тортилди ҳамда **1,5 км** кириш ва ички йўллар қурилди [5]

Шунингдек, Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2023 йил 28 октябрдаги VI-65-105-4-0-К/23-сонли қарорига асосан, **5 та** объектни электр энергия билан таъминлаш учун “**Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари**” АЖга **2,7 млрд сўм** маблағ ажратиб берилди.

VII. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон қарорига асосан кичик саноат зоналарининг ер участкалари тадбиркорларга **ижара ҳуқуқи** асосида ажратиб берилиши белгилаб қўйилган.

Бироқ, ушбу ер участкалари (*ВМ 30.11.2022 й 685-сон қарори*) онлайн аукцион тизими орқали тўғридан-тўғри кадастр ҳужжатлари шакллантириб савдога чиқарилиши натижасида, ижара тўлови билан бир вақтда ер солиғи ҳисобланишига олиб келмоқда.

Натижада аукцион савдолари орқали кичик саноат зоналаридан ер участкалари сотиб олган тадбиркорлар томонидан ҳақли эътирозлар билдирилиб, тузилган шартномаларни бекор қилиш ва ер участкаларни захирага қайтариш юзасидан мурожаатлар кўпаймоқда (*бугунгача 40 та тадбиркор шартномани бекор қилган*).

Яна бир муҳим масала, кичик саноат зоналарига тегишли ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилиш жараёнида ушбу ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи бўйича нархларнинг юқорилигидир [4]

Мисол учун, Қамаш тумани «Манғит» МФЙ ҳудудида маҳаллий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мақсадида савдога чиқарилган **8 сотих** ер участкасининг бошланғич баҳоси **10,8 млн сўм** қилиб белгиланган.

Бироқ, худди шу ҳудудда ташкил этилган кичик саноат зонасига тегишли **5 сотих** ер майдони **43,6 млн сўмга** нархланган.

Ваҳоланки, тадбиркорлик қилиш учун аукционга чиқарилган ер эгалик ҳуқуқи билан савдога чиқарилсада, ижарага бериладиган ердан кўрса **4 баробар** арзон.

Бу эса ўз навбатида кичик саноат зоналарининг бўш ер участкаларини аукцион орқали сотилишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023-2025 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-44-сон [Қарори қабул қилинди](#).

Қарорга мувофиқ, 2023-2024 йилларда Қашқадарё вилоятида 7 та янги Кичик саноат зоналари ташкил этилади. Хусусан,

Дехқонобод тумани «Бешбулок» МФЙ ҳудудида – 1,0 га ер майдонида жами 9 та лот;

Қамаш тумани «Манғит» МФЙ ҳудудида – 1,0 га ер майдонида жами 9 та лот;

Кўкдала тумани «Олтин дала» МФЙ ҳудудида – 15,0 га ер майдонида жами 87 та лот;

Шаҳрисабз тумани «Шаматон» МФЙ ҳудудида – 11,0 га ер майдонида жами 52 та лот;

Нишон тумани «Нурчи» МФЙ ҳудудида – 1,5 га ер майдонида жами 12 та лот;

Қарши тумани «Янгибоғ» МФЙ ҳудудида – 2,1 га ер майдонида жами 20 та лот,

«Кўчкак» МФЙ ҳудудида – 1,0 га ер майдонида жами 10 та лот;

Ғузур тумани «Қорақўл» МФЙ ҳудудида – 1,0 га ер майдонида жами 9 та лотларга эга

Кичик саноат зоналари ташкил этилади[1]

Кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси хусусан, автомобиль йўли, ичимлик ва оқова суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланиши ҳамда лотлар [e-auksion](#) онлайн савдо платформасида сотувга чиқарилиши белгиланган.

Умумий ҳолда хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, минтақалар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш борасидаги ҳукуматимизнинг комплекс ёндашуви аллақачон ўзининг натижаларини бериш билан бирга истиқболда жадал суръатлардаги тараққиётимизга ҳам хизмат қилади. Бунда энг асосийси интеграциялашган ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт орқали аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бориши узвий равишда таъминланади[2].

Фойдаланилган манбаалар:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4397>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048 сонли қарори асосида тайёрланди

3. https://www.mf.uz/media/file/state-budget/2021/fuk_uchun/Budjet_21_uz.pdf

4. Б.Тўразода. Эркин иқтисодий зоналар – тараққиёт таянчи. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34365/> 2021 йил 28 апрель.

5. Д.Мамаджанова. Туризм инфратузилмаси янада ривожланади. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34213/> 2021 йил 13 апрель

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048 сонли қарори асосида тайёрланди

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди (<https://pppd.uz/projects-custom>).